

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь–декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 4 978,4 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 0,62 миллиард АҚШ долларини) ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 146,6 фоизни ташкил қилди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2018 йил январь–декабрь)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4 978,4	146,6	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	647,4	138,3	13,0
бюджет маблағлари	140,9	44,8	2,8
бюджетдан ташқари фондлар	347,2	3 м	7,0
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	114,3	4 м	2,3
Болалар спортини ривожлантириш фонди	45,2	4 м	0,9
Марказлашмаган инвестициялар	4 331,0	148,0	87,0
корхоналарнинг ўз маблағлари	1 397,9	101,8	28,1
аҳоли маблағлари	902,1	113,9	18,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1 136,0	6 м	22,8
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	895,0	159,2	18,0

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.


Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-декабрь, фоиз ҳисобида)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари


(январь-декабрь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 647,4 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 138,3% ни ташкил этди (умумий ҳажмдаги улуши 13%), шундан бюджет маблағлари 140,9 млрд сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 44,8% ни ташкил этди (умумий ҳажмдаги улуши 2,8%), бюджетдан ташқари фондлар 347,2 млрд сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 мартага ошган (умумий ҳажмдаги улуши 7,0%). Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 114,3 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 мартага ошган (умумий ҳажмдаги улуши 2,3%), болалар спортини ривожлантириш фонди томонидан Фарғона вилоятига йўналтирилган инвестициялар 45,0 млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 мартага (умумий ҳажмдаги улуши 0,9%) ошганини таъкидлаш лозим.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари

(январь-декабрь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 4 331,0 млрд сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 148% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 87%) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, 1 397,9 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,8% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 28,1%), аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 902,1 млрд сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113,9% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 18,1%) ташкил этди, 1 136,0 млрд сўм тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 мартага ошган (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,8%). Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 895,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 159,2% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 18%) ташкил этди.

**2018 йилнинг январь-декабрида асосий капиталга инвестициялар
молиялаштириш манбаларининг мулкчилик шакли
бўйича тақсимланиши**

	Жами	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд.сўм	4 978,4	792,9	4 185,5
<i>шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	140,9	109,8	31,1
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	347,2	309,1	38,0
корхоналар ва аҳоли маблағлари	2 300,0	234,5	2 065,5
чет эл инвестициялари ва кредитлари	1 250,3	92,6	1 157,7
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	895,0	1,9	893,1
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	45,0	45,0	-


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	<i>Январь–декабрь</i>			
	<i>2017 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>	<i>2018 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>
Жами, млрд.сўм	2 633,4	100,0	4 978,4	100,0
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	265,4	10,2	319,8	6,4
тоғ–кон саноати	53,5	2,1	187,7	3,8
ишлаб чиқариш саноати	496,8	19,2	1 378,6	20,5
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	69,7	2,7	192,6	3,9
сув билан таъминлаш, канализация tizими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	35,1	1,4	172,7	3,5
қурилиш	161,5	6,2	228,5	4,6
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	128,7	5,0	210,2	4,2
ташиш ва сақлаш	184,7	7,1	258,6	5,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	22,8	0,9	28,1	0,6
ахборот ва алоқа	111,0	4,3	29,8	0,6
молиявий ва суғурта фаолияти	25,9	1,0	30,1	0,6
профессионал, илмий ва техник фаолият	18,8	0,7	40,8	0,8
таълим	49,6	1,9	196,1	3,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	89,1	3,4	143,1	2,9
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	746,8	28,8	1 270,2	25,5
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	30,8	1,2	73,0	1,5
бошқа фаолият турлари	143,2	3,9	218,5	11,5

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ-кон саноатида – 187,8 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 3,8 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 18,4 млрд. сўм (0,4 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 1 378,6 млрд. сўм, (27,7 фоиз) шундан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 183,6 млрд. сўм (3,7 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 495,8 млрд. сўм (10,0 фоиз), кимё маҳсулотлари – 175,6 млрд. сўм (4,3 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 166,3 млрд. сўм (3,3 фоиз), металлургия – 3,3 млрд. сўм (0,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 192,6 млрд. сўм (3,9 фоиз), қурилиш – 228,5 млрд. сўм (4,6 фоиз), ташиш ва сақлаш – 258,6 млрд. сўм (5,2 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 210,2 млрд. сўм (4,2 фоиз), ахборот ва алоқа – 29,8 млрд. сўм (0,6 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 40,8 млрд. сўм (0,8 фоиз), таълим – 196,1 млрд. сўм (3,9 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари турар жой бинолари қурилишига – 1 270,2 млрд. сўмлик (25,5 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қиритилган инвестицияларда катта улушга эга бўлган соҳалар

(январь-декабрь ҳолатига, фоизда)



Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.


2018 йил январь–декабрь ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 1 250,3 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 5,6 марта ўсишга эришилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2018 йилнинг январь–декабрида)

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	1 250,3	114,3	1 136,0
<i>шу жумладан:</i>			
давлат	92,6	92,6	-
нодавлат	1 157,7	21,7	1 136,0

Ҳисобот даврида Фарғона вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 81,6 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (январь-декабрь, умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши – 57,8 фоизни ташкил қилиб, 2017 йилнинг январь–декабрь ойларига нисбатан 15 марта ошган.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши камайганлиги кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида – жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 0,8 фоизни, (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 44,4 фоиз), ахборот ва алоқа соҳасида – жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 2,0 фоизини (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 фоиз) ташкил қилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 675,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар ҳажмининг 13,6 фоизини ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-декабрида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари

	Барча манбалар ҳисобидан			
	фойдаланишга топширилди		2017 йил январь–декабрига нисбатан фоизда	
	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда	жами	шу жумладан қишлоқ жойларда
Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м	1 086,8	795,7	140,8	125,1
<i>ундан:</i>				
якка тартибдаги уй–жойлар	887,2	633,4	146,0	127,6
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	186,8	161,5	113,9	98,5
Касалхоналар, ётоқ ўрни	365	-	-	-
Умумий таълим ва махсус мактаблар, ўқувчилар ўрни	9 121	4 776	-	-
Сув тармоқлари, км	462,9	447,5	165,5	182,8
Газ тармоқлари, км	63,9	62,9	197,2	15 м

2018 йил январь–декабрида умумий майдони 887,2 минг кв.м. бўлган 6 347 мингта уй ёки 6 347 мингта квартира (2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан 146,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 633,4 минг кв.м. (127,6 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 462,9 км сув тармоқлари (447,5 км қишлоқ жойларда) ва 63,9 км газ тармоқлари (62,9 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, сув тармоқлари 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан 165,5 фоизни ташкил этди, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич 182,8% ни ташкил этди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари, олий таълим муассасалари, лицей ва касб–хунар коллежлари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилишга 1 02 589,7 млн сум инвестициялар ўзлаштирилди.


Сув тармоқлари қурилишига 5 641,4 млн. Сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 5 641,4 млн. Сўм (100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 864,7 млн. Сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 864,7 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти

2018 йил январь–декабрида 2 682,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан 109,6 фоизни ташкил этди.

Худудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати, фоизда




Худудлар кесимида қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги энг юқори улушга эга бўлган Фарғона шаҳар бўлиб, 546,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 20,4% (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97,7%) ни ташкил этди. Қўқон шаҳрида 313,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 11,7 % (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,3%)ни, Қувасой шаҳрида 180,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, (жами қурилишдаги улуши 6,7% ўсиш суръати 97,7%)ни, Марғилон шаҳрида 162,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 6,1%, ўсиш суръати 100,0%), Фарғона туманида 192,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 7,2%, ўсиш суръати 142,1%), Олтиариқ туманида 73,4 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,7%, ўсиш суръати 128,8%), Қўштепа туманида 142,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 5,3%, ўсиш суръати 180,8%), Бағдод туманида 151,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 5,6%, ўсиш суръати 92,7%), Бешариқ туманида 100,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,7%, ўсиш суръати 141,9%), Бувайда туманида 81,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,1%, ўсиш суръати 134,7%), Данғара туманида 120,4 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,5%, ўсиш суръати 106,3%), Қува туманида 126,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,7%, ўсиш суръати 93,6%), Риштон туманида 57,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,2%, ўсиш суръати 89,2%), Сўх туманида 40,0 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,5%, ўсиш суръати 90,6%), Тошлоқ туманида 102,7 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,8%, ўсиш суръати 149,3%), Ўзбекистон туманида 51,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,9%, ўсиш суръати 90,8%), Учкўприк туманида 113,3 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,2%, ўсиш суръати 108,8%), Фурқат туманида 83,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улушиг 3,1%, ўсиш суръати 156,2%), Ёзёвон туманида 42,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,6%, ўсиш суръати 72,3%).

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	январь–декабрь	
	2017 й.	2018 й.
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	1 969,5	2 682,7
<i>шу жумладан:</i>		
давлат	81,9	58,0
нодавлат	1 887,6	2 624,7

Қурилиш ишларини мулкчилик шакллари бўйича кўриниши (январь-декабрь, фоиз ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 2 624,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 97,8 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2 682,7 млрд. сўми, ундан нодавлат секторининг улуши 97,8 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 78,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга, 21,9 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.

Намунавий уй-жойлар

2018 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида жами 1 622 та намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қуриб битказилди ҳамда фойдаланишга топширилди. Ушбу намунавий уй-жойлар қиймати 446,2 млрд. сўми ташкил этди.

Қуриб фойдаланишга топширилган намунавий уй-жойларга жами 25,2 км ичимлик суви тармоғи тортилди. Улардан 23,8 км ичимлик суви тармоғи қишлоқ жойларига тўғри келиб, уларни бажаришга 13,7 млрд. сўм сарфланди

**Фойдаланишга топширилган, намунавий лойihalар
асосида қурилган уй-жойлар
2018 йил январь-декабрь ойларида**

	<i>Намунавий уй-жойлар</i>		
	<i>млн.сўм</i>	<i>сони</i>	<i>минг кв.м</i>
Вилоят жами	446 242,2	1 622	186,9
<i>шаҳарлар:</i>			
Фарғона	60 756,5	12	22,4
Қўқон	4 674,9	15	1,6
Қувасой	6 776,2	10	1,2
Марғилон	904,4	2	0,1
<i>туманлар:</i>			
Олтиариқ	33 942,2	164	15,4
Қўштепа	20 955,4	85	7,2
Бағдод	19 932,6	94	9,1
Бувайда	22 601,0	137	12,6
Бешариқ	16 416,4	58	6,7
Қува	10 438,9	50	6,5
Учкўприқ	21 934,6	89	9,4
Риштон	31 477,4	141	13,8
Сўх	7 854,2	49	3,4
Тошлоқ	15 233,6	56	6,5
Ўзбекистон	20 529,1	78	9,4
Фарғона т	93 754,3	324	37,0
Данғара	23 427,0	92	10,2
Фурқат	13 895,3	39	5,5
Ёзёвон	20 738,2	127	8,9

**Фойдаланишга топширилган, намунавий лойihalар
асосида қурилган уй-жойларга тортилган ичимлик суви
2018 йил январь-декабрь ойларида**

	<i>Сув тармоғи, км</i>		
	<i>жами</i>	<i>шундан қишлоқ жойларди</i>	<i>млн.сўм</i>
Вилоят жами	25,2	23,8	13 688,4
<i>шаҳарлар:</i>			
Фарғона	0,9	-	148,1
Қўқон	0,0	-	34,8
Қувасой	0,4	-	762,5
Марғилон	0,1	-	4,6
<i>туманлар:</i>			
Олтиариқ	1,0	1,0	1 352,4
Қўштепа	1,4	1,4	626,4
Бағдод	1,0	1,0	993,7
Бувайда	1,0	1,0	1 282,6
Бешариқ	1,4	1,4	683,2
Қува	1,1	1,1	694,3
Учкўприқ	1,3	1,3	471,5
Риштон	0,5	0,5	593,4
Сўх	1,7	1,7	227,1
Тошлоқ	3,4	3,4	816,2
Ўзбекистон	1,4	1,4	598,2
Фарғона т	2,9	2,9	2 799,3
Данғара	1,7	1,7	578,7
Фурқат	1,4	1,4	481,4
Ёзёвон	1,0	1,0	540,0